

ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ПОСТМОДЕРНИЗМ МОДЕРНИЗМ ЙЎНАЛИШИГА БИЛДИРИЛГАН ТАЪРИФЛАР

Б.И.Содиқова, Д.Ж.Бобожонов (ДТПИ)

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек адабиётшунослигидаги янги оқимлар модернизм ва постмодернизм йўналишига билдирилган таърифлар ва улар ўртасидаги фарқларга тўхталган.

Калит сўзлар: сентиментализм, романтизм, модернизм ва постмодернизм йўналишлари, классицизм

М.Холбеков фикрига кўра XX аср ғарб модернизм адабиёти бешта ўлчовларда мавжуд бўлиб, уларни қуйидаги мазмунда ифодалайдилар:

1) Модернизм – бу замонлар оралиғидаги тафовутни, «эскилик» ва «янгилик» ўртасидаги ихтилофларни ўз ғоявий қарашлари бош мезони қилиб олган юз йилликнинг маънавий қиёфаси тарзида ифодалайди. Янада аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, унинг ортида «марказсиз дунё» (У.Б.Йейтс)нинг юзага келишига сабаб бўлган объектив борлиқ қонуниятларининг инсоният тарихида чуқур илдиз отолмаганлиги, мустаҳкам ўрнашиб ололмагани, эпос-темологик дудмоллиги ҳамда муайян шаклга келтирилган утопик (илмга асосланмаган, амалга ошмайдиган, хомхаёл) орзу-умидлар билан шаклсиз мавжуд эканлигида эди. Бу давр башариятни очарчилик ва қашшоқликни енгиласан даъват қилган йигирманчи асрда вақт ўтиб ўзининг инсонпарварлик, юксалишга интилиш, жамоатчиликка таяниш, илмий-техника тараққиётининг чексиз ривожланишига хайрихоҳ бўлиш каби тамойилларига қарши турди, амалда бу ҳаракат «эскирган» бўлиб чиқди. Бу асрнинг шу каби руҳи ва ҳиссини немис файласуфи Т.Адорно қуйидагича таърифланганди: «Освенцимдан кейин шеър ёзиш – бу варварлик ҳисобланади...».

2) Бу таснифда кўпгина раддияларга қарамасдан модернизмни инкор этиб, бир четга суриб ташлагани йўқ, аксинча, уни инкор қилиш орқали янада давом этишига ёрдам берди ва «модернизмдан ташқаридаги модернистлар» дея ҳисоблаган муаллифлар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Мисол учун С.Кьеркегор, Ҳ.Ибсен, Г.Мелвилл, Ш.Бодлер, А.Рембо, С.Малларме, Ф.Ницше, Ф.Достоевский, Г.Жеймс, А.Стриндберг, Ж.Конрад ва бошқаларнинг асарини айтиш мумкин. Энг муҳими бунда модернизм XX асрнинг асосий ижодий қашфиёти – субъективликни тадқиқ қилишда давом этди ва тезис-антитезис, «модернизм»-«контрмодернизм» воситасида индивидуал услубнинг стилистик имкониятларини амалга тадбиқ қилди.

3) Модернизм – аслида бу бир-бири билан кураш олиб борган, ўзича мустақил ҳаракат қилган алоҳида модернистик уюшмалар яъни хусусиятларни манифестлар, дастурлар мажмуаси саналади ва бир қанча модернизм йўналишлари пайдо бўлди. Улар футуризм, дадаизм, сюрреализм, имажинизм, вортицизм, француз «антиромани», Лотин Америкаси «сеҳрли реализм»и кабилар.

4) Модернизм – бу Ж.Дос Пассос, Б.Брехт ва Э.Ионеско, Х.Л.Борхес ва Г.Г.Маркес, А.Мёрдок ва Г.Грассларнинг модернизм руҳидаги матнларидан иборатдир. Уларнинг барчаси модернизм нуқтаи назаридан ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган, уларнинг ҳар бири алоҳида ёндашишни, модернизмнинг бутун типологиясига, терминологик ва стилистик тавсифларига аниқлик киритишни тақозо этади.

5) Модернизм – бунда параллел равишда мавжуд бўлган матнларнинг полифонияси (кўповозилиги) кўринишидир ва модернизм уч ижодий муҳит билан шаклланди. Булар: постсимволизм ва авангардизм (1910-1940 йилларда.); экзистенциализм (1940-1960 йилларда.) ва постмодернизм (1980-2000 йилданбуён.)

Постмодернизм модернизмдан кейин вужудга келган бўлиб («пост» – кейин), мураккаб ва серкирра адабий оқим ҳисобланади. Постмодернизм худди модернизм каби инсон дунёқарашига таъсир қилади ва кенг тармоқли ҳодиса саналади. Бунда ҳодисанинг ўзи давом этади ва аралаш ҳолда амалга ошади. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам бу оқим билан шуғулланган ва ўз фикр мулоҳазалари, қарашларини билдирган Улуғбек Ҳамдамов постмодернизм йўналишидаги хусусиятларни изоҳлаб берди:

1). Интертекстуаллик (лот. интер – аро, текстум – тўқима, мато, матн) – ҳарқандай матн ўзидан олдинги матндан олинган матн маъносини билдиради. Яъни матн ичида матн деганидир.

2). Симулякр – асл санъат ўрнига келган сохта эстетик асарлар. Симулякрлар (симуло лотинча сўз бўлиб, йўқ нарсани бор кўрсатиш маъносида келади) нусхалар олишдир. Йўқ реалликни бор қилиб ифодалаш, мабодо реаллик бўлса ҳам, у номигагина «иштирок этади».

3). Муаллиф ўлими. Фақат матн бор, муаллиф эса асарда «ўлган», чунки у ёзган матн унинг ўзиники эмас, умумматндан олинган нусхалар, кодлардир деган қарашни билдиради. Постмодернизмда ўқувчи даражаси муҳим ҳисобланади.

4). Деконструкция – мавжуд бутунликни бузиш ва парчалардан янгини яратиш.

5). Рамзийлик – дунёдаги ҳамма нарсанинг мажозий маъноси бор деб ҳисоблашдир.

6). Интерактивлик – ижодкор ва ўқувчи шериклиги асосида бадиий асарнинг юзага келиши.

7). Универсализм – ҳамма нарсанинг қоришиб, оммавийлашиб кетиши жараёни.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Холбеков М.//Бадиийадабиётда модернизм тавсифи (2011)// “Ёшлик” журнали, 2011 йил, 3-сон.<https://ziyouz.uz/matbuot/hozirgi-davr-matbuoti/2011-sp-1883012986/>

2. Minima Moralia // Размышления из поврежденной жизни(1951)

3. Постмодернизм, жумладан, <http://iEssay.ru> сайти

4. Ашуров, Ш., и М. Мирзакулова. «Концепт „любовь“ в пословичной картине мира в английском и узбекском языках». Общество и инновации, т. 2, вып. 4/S, май 2021 г., сс. 78-83, doi:10.47689/2181-1415-vol2-iss4/S-pp78-83.